

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. А.Банкин, *Контент-маркетинг для роста продаж.* – СПб: Питер, 2017. 272 с.
2. Г.Беквит. *Четыре ключа к маркетингу услуг.* – М.: Альпина Паблишер, 2017. 252 с.
3. С.Н.Бердышев. *Секреты эффективной интернет-рекламы. Практическое пособие.* – М.: Дашков и К, 2018. 120 с.
4. С.Божук *Маркетинговые исследования. Учебник.* – М.: Юрайт, 2017. 280 с.
5. М.Горштейн. *Современный маркетинг.* – М.: Дашков и Ко, 2017. 404 с.
6. А.Карасев. *Маркетинговые исследования и ситуационный анализ. Учебник и практикум для прикладного бакалавриата.* – М.: Юрайт, 2017. 315 с.
7. Фатхулдинов Р.А. *Стратегический маркетинг: Учебник для вузов, 5-е издание.* – СПб.: Питер, 2008. – 368 с.
8. Хардинг Г. *Маркетинг промышленных товаров.* / Пер. с англ. М.: Сирин, 2002. 272 с.
9. Шкардун В.Д. *Маркетинговые основы стратегического планирования: Теория, методология, практика: Монография.* – М.: Дело, 2005. – 376 с.
10. Ш.Эргашходжаева, У.Шарифхўжаев. *Маркетингни бошқариш. Дарслик.* -Т.: TDIU, Iqtisodiyot, 2019.– 324 бет.
11. М.Икрамов, Л.Т.Абдухалилова, Н.М.Набиева. *Маркетинг тадқиқотлари. Ўқув қўлланма.* -Т.: ТДИУ, 2017. -145 б.
12. С.А.Салимов. *Маркетингни бошқариш. Дарслик.* -Т.: «Aloqachi» 2010 й., 252 бет.
13. Г.Б.Мунинова, *Ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш. 08.00.11 –Маркетинг (иқтисодий фанлари). Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.* –Т.: «Академия ноширлик маркази», 2019 йил., 54 бет.
14. Т.А.Акрамов. *Автомобиль саноати корхоналарида маркетинг стратегияларини такомиллаштириш. 08.00.11 – Маркетинг (иқтисодий фанлари) Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси автореферати.* –Т.: «Академия ноширлик маркази», 2019 йил., 80 бет.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаева Севарахон Хасановна -
Фарғона политехника институтининг докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада саноат корхоналари, хусусан тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари хусусан, “иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг мазмуни, моҳияти ва уни таъминлаш аҳамияти ҳамда унга таъсир этувчи омиллар ёритилган.

Таянч сўзлар: барқарорлик, иқтисодий барқарорлик, тизим барқарорлиги, иқтисодий омиллар, ижтимоий омиллар, атроф-муҳитнинг ҳаракатчанлиги

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы обеспечения экономической устойчивости промышленных предприятий, в частности предприятий текстильной промышленности: сущность и значение обеспечения экономической устойчивости, а также факторы, влияющие на нее.

Ключевые слова: стабильность, экономическая стабильность, системная стабильность, экономические факторы, социальные факторы, экологическая мобильность

Annotation: The article describes the issues of ensuring economic stability in industrial enterprises, especially in the textile industry, in particular, the content, essence and importance of the concept of "economic stability" and the factors influencing it.

Keywords: stability, economic stability, stability of the system, economic factors, social factors, environmental mobility

Кириш. Бугунги кунда тўқимачилик ва тикув трикотаж саноати Ўзбекистоннинг етакчи ва динамик ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор “кластер модели”ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил

этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктураси соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида, тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарор ҳолатини таъминлашни долзарб масалалардан бири эканлигини асослайди. Чунончи, иқтисодий барқарор корхоналар бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан шароитида ўз ўрнини сақлаган ҳолда хўжалик

фаолиятини нафақат давом эттириш, балки ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш асосида рақобатбардошликни ошириш қобилиятига эга бўлади.

Фикримизча, иқтисодий барқарорликни Ўзбекистон шароитида бозор омиллари таъсири, яъни глобал хом-ашё бозорларида нарх шаклланиши, импортга қарамлиги, миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол, пул ва молия бозорларининг ривожланиш даражаси ва улар дастакларининг самарадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Маълумки, тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги катта ижтимоий аҳамиятга эга, чунки уларнинг фаолияти бандлик, иқтисодий турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Ҳозирда Жаҳон иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб қолганлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг тоборо кучайиши "иқтисодий тизим барқарорлиги" категориясини қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

"Иқтисодий барқарорлик" тушунчаси турли иқтисодчи олимлар томонидан турлича тавсифланган. Хусусан, олим ва амалиётчилар томонидан шакллантирилган ва саноат корхоналари доирасида қўлланиладиган илмий ёндашувларни тизимлаштириш асосида "иқтисодий барқарорлик" тушунчаси талқин этилган.

А.Вальд, П. Самуэльсон, Л.Вальрас, А.А.Богданов, В.С. Раппопортва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида корхона барқарорлигининг замонавий ёндашувлари шакллантирилган. Улар томонидан "барқарорлик" тушунчаси, илк бор, иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилган. Хусусан, барқарорлик соҳасидаги асосий натижаларни шакллантириш учун бозор мувозанати ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда мувозанатга эришиш шароити ўрганилган [3].

А.А. Богданов, Л.И. Евенко, Т. Парсон, В.С. Раппорт ва бошқалар умумий ташкилот назариясига асос солиш асосида корхона барқарорлиги атамасининг замонавий ёндашувини шакллантиришга улкан хисса қўшганлар[1]. Амалга оширилган илмий ишлар натижасига кўра:

- корхоналарнинг самарали фаолият юритиши билан барқарорлик ўртасидаги боғлиқлик асосланган;

- молиявий ва иқтисодий барқарорлик тушунчаларининг фарқлари аниқлаштирилган;

- иқтисодий тизимнинг энг асосий ва муҳим тавсифлари сифатида барқарорлик ҳамда ривожланиш тушунчалари асосланган;

- ижтимоий ва иқтисодий тизимлар мувофиқликлари бўйича техник тизимлар билан баҳоланиши мумкин эмас.

Шунингдек, барқарорлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда корхоналар барқарорлигининг ўзига хос белгилари, кўрсаткичлари ва турларини эътиборга олган ҳолда бир неча бор тизимлаштирилган.

"Тизим барқарорлиги" Р.А. Попов томонидан қуйидаги турларга ажратилган:

- алоҳида, асосан ташқи омиллар таъсири остидаги ҳолатни ифодаловчи омилли барқарорлик;

- ички унсурлар ҳолатини ифодаловчи таркибий барқарорлик [2].

Бизнинг фикримизча эса барқарорлик юқорида ифода этилган белгилар билан бир қаторда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини, фаолият йўналишларини ифода этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда янада кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ. Илмий-техник тараққиёт ва инновацион ривожланиш натижасида юзага келадиган ўзгаришлар тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи омил ҳисобланади ҳамда реал сектор корхоналарининг таркибий ўзгаришларига сабаб бўлади. Шунга кўра, ушбу омил инновацион ривожланиш йўналишларини ва таҳлил қилинаётган тармоқ учун унинг таъсири ҳамда оқибатларини тўғри баҳолаш орқали аниқлаштирилиши мумкин.

Юқорида ифодаланган таърифларни эътиборга олган ҳолда, фикримизча, саноат корхоналарининг "Иқтисодий барқарорлик" тушунчасини ифодаловчи таърифни шакллантиришда қуйидагиларни ҳам инобатга олиш зарур:

- иқтисодий барқарорлик корхонанинг нафақат иқтисодий мувозанат ҳолатини ушлаб қолиши, балки ташқи жараёнлар таъсири остида ҳам ўз ривожланишини давом эттиришини ифодалайди;

- иқтисодий барқарорлик бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий мувозанат ҳолатини, ҳам турғун ривожланишни ифодалайди. Шундай экан, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги шарт-шароитларнинг ўзгариши билан ўзгаради ва юз берган ўзгаришга мослашиш қобилиятини ифодалайди;

- қиймат ва сифатни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдор йиғиндис асосида корxonанинг иқтисодий барқарорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Демак, тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги дейилганда корхоналарнинг барқарор ривожлана олиши ва рентабелли фаолият юритиши учун хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ўзгарганда ҳам уларнинг янги таъсирига мослашиш имкониятига эга бўлган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларнинг маълум бир даражасини сақлаб қолиш қобилияти тушунилиши лозим.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракциялаш, мантиқий фикрлаш,

қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Замонавий шароитларда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масаласи янада долзарб бўлиб қолақда. Чунки унинг барқарор иқтисодий фаолияти дастлаб сарфланган харажатларни қоплаш ва ўзига мақбул бўлган фойдага эришиш ҳамда рақобатчилар орасида ўз мавқеини сақлаб қолиш шароитини яратади. Фикримизча, иқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсир қилувчи омилларни умумий жиҳатдан бешта гуруҳга ажратиш мумкин (1-чизма).



1-чизма. Иқтисодий барқарорликга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий гуруҳ омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўқимачилик жиҳозларини маънавий ва жисмоний эскириши орасидаги фарқни ортиб бориш тенденциясининг мавжудлиги. Ҳозирги даврда тўқимачилик корхоналарида жиҳозларнинг маънавий жиҳатдан эскириш

даражаси жисмоний эскиришига нисбатан юқори. Бу тўқимачилик жиҳозларининг хизмат қилиш муддатларининг ва нархининг юқорилиги билан асосланади.

Бу эса ўз навбатида корхонада ускуналарни модернизация қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

- ишлаб чиқариш воситалари бозорида тўқимачилик жиҳозлари ассортиментининг кенгайиши. Корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга бўлган интилиши ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларининг кенгайтиришга бўлган эҳтиёж тўқимачилик корхоналарига ишлаб чиқариш воситалари бозорида жиҳозларни танлаш имкониятини яради.

- молиявий институтларнинг ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларни киритишга қизиқишининг пасайиб бориши. Тўқимачилик жиҳозларининг хизмат қилиш муддатларининг узоқлиги ҳамда жиҳозларнинг қимматбаҳолиги молиявий институтларнинг капитал қўйилмаларни киритишга қизиқишларини пасайтиради. Бундай ҳолатга юқори риск даражаси ҳамда капитал қўйилмаларини қайтариш муддатининг узайиб кетиши таъсир кўрсатади.

- тўқимачилик маҳсулотлари рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятининг ошиши. Эркин бозор муносабатлари шароитида корхонанинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги унинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш маҳсулотнинг юқори истеъмол хусусиятини таъминлайдиган техника ва технологияга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнларига янги жиҳозларни киритиш заруриятини келтириб чиқаради ва инвестицион жараёнларни фаоллаштиради.

Ижтимоий гуруҳ омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- республиканинг меҳнат ресурслари зич жойлашган вилоятларида янги иш ўринларини яратиш. Мамлакат аҳолисини тўлиқ ва самарали иш билан банд қилиш асосида унинг турмуш фаровонлигини ошириш ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бунинг учун замонавий техника ва технологияга асосланган саноат корхоналарини барпо этиш асосида янги иш ўринларини яратиш асосий вазифа сифатида майдонга чиқади. Аҳолини иш билан банд қилиш унинг даромадини ошириш ҳисобига тўлов қобилиятини яхшилашга ҳамда унинг турмуш даражасини оширишга олиб келади. Янги иш ўринларини яратиш, хусусан аҳолиси зич жойлашган вилоятларда тўқимачилик корхоналарини барпо этиш кластер усуллари-дан фойдаланиш асосида ҳал этилади.

Ҳуқуқий гуруҳ омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қонунчилик базасининг ривожланиши. Тўқимачилик корхоналари фаолиятини ишончли ҳуқуқий таъминлаш тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли ривожлантиришнинг гарови ва кафолати ҳисобланади. Тўқимачилик субъектлари муносабатларидаги ноаниқлик ва уларнинг ҳимояланмаганлиги аксинча, хатар даражасини оширади, ривожланишга тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ишлаб чиқаришини амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик базаси такомиллашуви ушбу соҳани ривожлантиришга асос бўлади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қорори.

2. 2019 йил 28 майдаги ПҚ-4341-сон “Республика ҳудудларида тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қорори.

3. 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қорори.

4. 2020 йил 5 май ПФ-5989-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

Молиявий гуруҳ омилларига қуйидагилар киритилади:

- молиявий институтларнинг мавжудлиги, молиявий бозорларнинг ҳолати. Мамлакатда лизинг муносабатларини ривожлантириш учун қулай шароитнинг яратилиши молиявий хизматлар бозорида рақобатни кучайтиради. Лизинг хизматларининг кенгайтирилиши молиялаштириш қийматининг камайишига олиб келади. Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, лизинг ўрта муддатли молиялаштириш бозорида банк томонидан кредитлашнинг муқобил тури ҳисобланади. Лекин бу Ўзбекистонда банкларнинг аҳамияти камайдигани эмас. Иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришда етакчи роль ўйнайдиган банк тизими ўз қўйилмалари ҳажмини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш имкониятига эга бўлади.

Ташкилий гуруҳ омилларига эса қуйидагилар киритилади:

- тўқимачилик корхоналари мутахассис кадрларининг билим ва малакасини ошиб

бориши. Тўқимачилик ишлаб чиқариш мутахассисларнинг жаҳон бозорларида истеъмолчилари томонидан билдириладиган талабларга мос келувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кўникмага эга бўлишлари, асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиялари бўйича чуқур билимга эга бўлиши ишлаб чиқариш жараёнинг узлуксиз шаклланиши ва ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

- тўқимачилик корхоналари ходимларини ахборотлар билан таъминланганлик даражаси.

Юқорида санаб ўтилган омиллар асосий ҳисобланади. Уларнинг умумийлик жиҳати шундан иборатки, ҳар қандай иқтисодий жараён ёки ҳодисанинг амал қилиниши анъанавий равишда иқтисодий-ижтимоий, молиявий, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларга боғлиқ бўлади, лекин бу шарт-шароитлар турли соҳаларда унинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ равишда намоён бўлади. Шундай экан, қайд этиб ўтилган барча омиллар нафақат тўқимачилик соҳаси фаолиятига, балки бошқа фаолият соҳаларида ҳам ўзига хос бўлган хусусиятлар билан ифода этилиши мумкин.

Фикримизча, юқорида қайд этилган омилларга қўшимча равишда ташқи муҳит омилини киритиш зарурдир. Корхона фаолиятининг натижалари асосан унинг ташқи муҳити билан белгиланади. Шунинг учун бу муҳитни билиш ва унинг ўзгаришига жавоб бера олиш ҳамда корхона ички тузилмаларига ўзгарувчан муҳитнинг таъсирини ўрганиш зарур. Корхонанинг ўзи очиқ тизим сифатида ресурслар таъминоти, энергия, кадрлар ва шунингдек истеъмолчилар билан муносабатга киришиш каби масалаларда ташқи муҳитга тўлиқ боғлиқ. Корхоналар омон қолиши, ўз самарадорлигини ва рақобатбардошлигини сақлаб қолиши учун бу муҳитга мослашишга мажбур. Ташқи муҳитнинг асосий хусусиятларидан бири – бу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, мураккаблиги, ҳаракатчанлиги ва ноаниқлигидир. Ташқи муҳит омиллариининг ўзаро боғлиқлиги дейилганда таъсир кучининг даражаси тушунилади, яъни бир омилнинг ўзгариши бошқа ташқи муҳит омиллариининг ўзгаришинига бевосита таъсир кўрсатади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ташқи муҳит

омиллариини якка ҳолда эмас балки бошқа барча омиллар билан биргаликда уларнинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда узвий боғлиқликда ўрганиш лозим.

Ташқи муҳитнинг мураккаблиги дейилганда ишлаб чиқариш тизимининг ўз фаолиятини сақлаб қолиши учун қайта жавоб бериши керак бўлган омиллар сони ҳамда ҳар бир омилнинг ўзгариш даражаси тушунилади. Атроф-муҳитнинг ҳаракатчанлиги ёки динамикаси – бу корхона ташқи муҳитида ўзгаришларнинг содир бўлиш тезлигидир. Ташқи муҳитнинг ноаниқлиги функция бўлиб, бу ўз навбатида корхонанинг муайян ташқи омилга тегишли бўлган ахборотлар миқдорига эгаллиги ҳамда мавжуд ахборотларнинг аниқлиги ва ишончилигига боғлиқ. Ташқи муҳит қанчалик ноаниқ бўлса, корхона хўжалик фаолиятида маълум бир самарали қарорни қабул қилиш шунчалик мураккаб бўлади. Фикримизча, юқорида қайд этилган умумий омиллар дея эътироф этилганларни ҳамда ташқи муҳит омиллариини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- тўғридан тўғри (бевосита) таъсир этувчи омиллар;

- билвосита таъсир этувчи омиллар.

Хулоса. Тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги дейилганда корхоналарнинг барқарор ривожлана олиши ва рентабелли фаолият юритиши учун хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ўзгарганда ҳам уларнинг янги таъсирига мослашиш имкониятига эга бўлган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларнинг маълум бир даражасини сақлаб қолиш қобилияти тушунилиши лозим.

Иқтисодий барқарорликга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг маълум бир белгиларини эътиборга олиб, улар иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, молиявий, ташкилий гуруҳ омилларига бириктирилади. Юқорида қайд этилган омилларга қўшимча равишда ташқи муҳит омилини киритиш зарурдир. Корхона фаолиятининг натижалари асосан унинг ташқи муҳити билан белгиланади. Шунинг учун бу муҳитни билиш ва унинг ўзгаришига жавоб бера олиш ҳамда корхона ички тузилмаларига ўзгарувчан муҳитнинг таъсирини ўрганиш зарур.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Богданов А.А. Тектология. Всеобщая организационная наука. –М.: Финансы, 2003. – С. 654
2. Попов Р.А. Антикризисное управление. Учеб. для вузов. –М., 20014. – С. 429.
3. Чупов С.В. Развитие научных воззрений об устойчивости экономических систем в исторической ретроспективе / Чупов С.В. // Историко-экономические исследования. – 2013. – Т.14, №1-2. С.15-32